

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**МИЖОЗНИНГ ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА  
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

**Коди: RD-601uz/ўз/ру**

**2023 йил «\_\_\_» ноябрь**

**Тошкент ш.**



 <b>UZBEKINVEST</b> sug'urta kompaniyasi	<b>Мижознинг шахсий маълумотларидан фойдаланиш бўйича оммавий оферта</b>	<b>RD-601uz/ўз/ру</b>
<b>GK 34</b>		Бетлар: 7 дан 3 бет Сана: 01.11.2023й.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ  
Бош директори  
Р.С.Азимов**

**2023 йил «\_\_» ноябрь**

## **“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭИСК” АЖ НИНГ МИЖОЗНИНГ ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТАСИ**

Ушбу Оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сонли “Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги” қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу Оферта шартларини акцептлаш Суғурталовчи томонидан Фойдаланувчининг шахсга доир маълумотларидан фойдаланишга розилиги ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартлари барча Фойдаланувчилар учун бир хил ҳисобланади.

### **1. Таърифлар**

**Суғурталовчи** – «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси» акциядорлик жамияти.

**Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчи** – ушбу Оферта шартлари бўйича Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган, Суғурталовчига тегишли бўлган мобил иловалар, <https://insurance.uz> ва бошқа веб-сайтлардаги идентификация тизимидан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахс.

**Оферта** — бир, бир нечта муайян ёки номаълум шахслар доирасига қаратилган, ҳужжатда кўрсатилган шартларда шартнома тузишга истак билдирган ҳар қандай шахс билан таклиф қилувчининг (оферент) шартномани расмийлаштириш истагини англатувчи, шахсий маълумотлардан фойдаланиш ва унга оид барча муҳим шартларни ўз ичига олган таклиф.

**Акцепт** — ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган таклифда келтирилган шартлар асосида шартнома тузишга оид таклиф (оферта)га розилик.

**Жисмоний шахс** — шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)га эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс.

**FaceID** — бу биометрик идентификация тизими бўлиб, инсон юзининг ҳажм-фазовий шаклини сканерлаш йўли билан амалга оширилади. У фойдаланувчиларни ишончли идентификация қилиш имконини беради ва кибер ҳужумлардан ҳимоялайди.

### **2. Оферта предмети**

2.1. Суғурталовчининг хизматларидан фойдалана олиш учун Фойдаланувчи томонидан Идентификация тизимидан рўйхатдан ўтишда қўлланиладиган шахсга доир маълумотлар.

### **3. Шартномани тузиш тартиби**

3.1. Жисмоний шахс Идентификация тизимида рўйхатдан ўтиб, ушбу Оферта шартларини тўлиқ қабул қилади ҳамда Фойдаланувчиларни идентификациялаш, аутентификациялаш ва авторизациялашни таъминлаш учун ўзининг шахсий маълумотларини қайта ишлаш ва сақлашга розилик беради.

3.2. Идентификация тизимида рўйхатдан ўтгунча Фойдаланувчи ушбу Офертанинг барча шартлари билан танишиши шарт. Идентификация тизимида рўйхатдан ўтган Фойдаланувчи ушбу Офертанинг барча шартлари билан танишган ва уларга рози ҳисобланади, бунда келишув ушбу оммавий Оферта шартлари асосида ёзма шаклда тузилган ҳисобланади ва икки томон тарафидан имзоланган Оферта ҳисобланади. Жисмоний шахснинг идентификация тизимида рўйхатдан ўтган пайт бўлиб ушбу Офертани қабул қилган пайт ҳисобланади.

#### **4. Идентификация тизимида рўйхатдан ўтиш шартлари**

4.1. Идентификация тизимида рўйхатдан ўтиш учун Фойдаланувчи – жисмоний шахс қуйидаги маълумотларни кўрсатиши керак:

а) биометрик паспорт/ID карта маълумотлари (ЖШШИР, биометрик паспорт серияси ва рақами (кейинги ўринларда – шахсий маълумотлар);

б) қайд ёзувини бирламчи активация қилиш кодини олиш учун мобил телефоннинг ҳақиқий рақами.

#### **5. Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5.1. Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ўз шахсий маълумотларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни 30-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

б) суғурта қилдирувчи/фойдаланувчи ўз шахсига доир маълумотларига ишлов бериш учун розилик бериш ва бундай розиликни чақириб олиш ҳуқуқига эга, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

в) суғурта қилдирувчи/фойдаланувчи Мулкдор, оператор ва учинчи шахс томонидан шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш бу маълумотларнинг зарур даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш шарти билан фақат ушбу шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича илгари билдирилган мақсадлар учун амалга оширишга розилик бериш;

г) исталган вақтда бир томонлама тартибда ушбу келишувни бекор қилиш ва ўзининг қайд ёзувини ўчириб ташлаш йўли орқали ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишдан воз кечиш.

5.2. Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчи қуйидагиларга мажбур:

а) Суғурталовчига тегишли бўлган мобил иловалар, <https://insurance.uz> ва бошқа веб-сайтларнинг ишлаш жараёнини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

б) рўйхатга олиш ва аутентификациялашда ишончли бўлган маълумотларни тақдим этиш ҳамда ўзини бошқа шахс ёки қандайдир ташкилот вакили қилиб кўрсатмаслик;

д) ўзининг қайд ёзувларининг сақланишини таъминлаш учун керакли чораларни кўриш;

э) конфиденциаллик ёки қайд ёзувидан ўзининг фойдалана олиш воситалари (мобил телефон рақами, логин ва пароль)нинг сақланиши бузилган ҳолда зудлик билан Суғурталовчини хабардор қилиш.

#### **6. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6.1. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталовчига тегишли бўлган мобил иловалар, <https://insurance.uz> ва бошқа веб-сайтлардан фойдаланишда Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчининг хатти-ҳаракатларининг мониторингини ўтказиш;

б) Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчи томонидан ушбу Оферта талаблари бузилган ҳолда, Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчининг тегишли иловалар ва веб-сайтлардан фойдалана олишини, шу жумладан рўйхатга олиш тизимидаги Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчининг қайд ёзувини блоклаш орқали чеклаш;

д) Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчини хабардор қилмасдан тегишли иловалар ва веб сайтлардан фойдаланишнинг ушбу шартларини ўзгартириш. Ўзгартирилган шартлар тегишли иловалар ва веб-сайтларнинг бош саҳифасига жойлаштирилиши керак.

э) Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчига ахборот хабарларини юбориш.

6.2. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

а) Суғурталовчига тегишли бўлган мобил иловалар, <https://insurance.uz> ва бошқа веб-сайтларида фойдаланувчиларни идентификациялаш, авторизациялаш ва аутентификациялаш тизими ишлашини таъминлаш;

б) фойдаланувчиларни идентификациялаш, авторизациялаш ва аутентификациялаш тизимида фойдаланувчилар маълумотларининг бутунлиги ва ўзгармаслигини кафолатлаш;

д) қонун ҳужжатлари талаблари ва шахсий маълумотлардан фойдаланиш шартларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Фойдаланувчининг шахсий маълумотларини ҳимоялашни таъминлаш.

## **7. Офертанинг амал қилиш муддати**

7.1. Ушбу Оферта Фойдаланувчи рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб кучга кирази ва Томонлар тарафидан тўлиқ бажарилгунчага амал қилади.

## **8. Жавобгарлик**

8.1. Суғурталовчи унинг айби билан юзага келмаган шахсий маълумотларнинг йўқолганлиги учун Фойдаланувчи олдида жавобгар бўлмайди.

8.2. Суғурталовчи, агар кўрсатилган носозликлар ёки ишлаш қобилиятининг йўқолиши қуйидагилар оқибатида содир бўлган бўлса, идентификация тизими фаолиятидаги носозликлар ёки ишлаш қобилиятининг йўқолиши учун жавобгар бўлмайди:

а) учинчи шахсларнинг идентификация тизими дастурий таъминотидан рухсатсиз фойдаланишига ва/ёки кўрсатилган дастурий таъминотнинг ишдан чиқишига қаратилган хатти-ҳаракатлари;

б) уланган веб-сервисларнинг ишламай қолиши.

8.3. Суғурталовчи идентификация тизимидан фойдаланиш ёки фойдаланиш имконияти бўлмаганлиги сабабли содир бўлган ҳар қандай бевосита ва билвосита зарарлар учун жавобгар бўлмайди.


8.4. Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда Фойдаланувчининг қайд ёзувининг хавфсизлиги учун жавобгар бўлмайди:

а) Фойдаланувчи томонидан учинчи шахсларга (қасдан ёки эҳтиётсизлик сабабли) пароль ва шахсий маълумотларнинг тақдим этилиши;

б) паролни танлаш ва/ёки кодни очиш имконини берадиган дастурий воситалардан фойдаланиш оқибатида Фойдаланувчининг қайд ёзувидан учинчи шахсларнинг фойдаланиши;

д) пароль ва қайд маълумотларини танлаш (тўғри келтириш) йўли билан Фойдаланувчининг қайд ёзувидан учинчи шахсларнинг фойдаланиши.

8.5. Фойдаланувчи фуқаролик, жиноят қонун ҳужжатлари, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этилган

 <b>UZBEKINVEST</b> <small>sug'urtalo kompaniyasi</small>	<b>Мижознинг шахсий маълумотларидан          фойдаланиш бўйича оммавий оферта</b>	<b>RD-601uz/ўз/пу</b>
<b>GK 34</b>		Бетлар: 7 дан 6 бет Сана: 01.11.2023й.

шахсий маълумотларнинг ишончлилиги, шу жумладан уларнинг ўз вақтида янгиланиши ва ўзгартирилишига тўлиқ жавобгар бўлади.

8.6. Фойдаланувчи ушбу Оферта бўйича ўзининг вазифаларига риоя этмаганлиги сабабли Суғурталовчига етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

8.7. Фойдаланувчи қайд ёзувидан фойдаланиш учун ўзи танлаб олган воситаларнинг хавфсизлиги (шунингдек аниқлашга нисбатан барқарорлик), сақланиши учун шахсан жавобгар бўлади, шунингдек уларнинг махфийлигини мустақил таъминлайди. Бунда Фойдаланувчининг қайд ёзуви остидаги барча хатти-ҳаракатлари Фойдаланувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

8.8. Томонлар ушбу Оферта бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, агар бундай бажармаслик ушбу Оферта тузилгандан кейин ва Томонлар оқилона чора-тадбирлар билан олдини ололмаган фавқулодда тусдаги ҳодисалар (форс-мажор) натижасида пайдо бўлган енгиб бўлмас кучлар ҳолатининг оқибати ҳисобланса, жавобгар бўлмайди. Бундай фавқулодда тусдаги ҳодисаларга Офертани бажаришга тўсқинлик қилувчи сув тошқини, ёнғин, зилзила, ер чўкиши ва бошқа табиий офатлар; уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, эмбарго, қамаллар, ҳукумат ҳаракатлари кириши мумкин.

## **9. Даъволарни кўриб чиқиш тартиби**

9.1. Суғурталовчи ушбу Оферта бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда Фойдаланувчи Суғурталовчига ёзма ёки электрон шаклдаги даъвони тақдим этиш ҳуқуқига эга.

9.2. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда келиб тушган санадан бошлаб 15 кун ичида даъвони кўриб чиқиши ва унга жавоб бериши, агар қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраш талаб қилинганда бир ойгача бўлган муддатда даъвони кўриб чиқиши шарт. Даъвога жавоб хат орқали электрон шаклда юборилади ёки Фойдаланувчига имзо қўйдирган ҳолда тақдим этилади.

## **10. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

10.1. Агар низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, низо Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судида кўриб чиқилади.

**ҲУЖЖАТ ТАФТИШ ҚИЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Киритилган сана	Узайтириш/ Қайта кўриб чиқиш/ Бекор қилиш	Маълумотни киритган шахснинг лавозими	Имзо	Ф.И.О.

**Киритилди:**

Суғурта услубиёти, суғуртада  
инновацион фаолиятни ва  
хизматларни ривожлантириш  
департаменти катта менежери

Ф.Истамов

**Келишилди:**

Бош директорнинг биринчи ўринбосари

Р.Халиков

Суғуртада ахборот  
технологиялари департаменти  
Бош менежери

И.Галимов

Юридик департамент етакчи юрисконсулти

М.Пиримов